

Неъмат учун Аллоҳга шукр қилиш



14:13 / 07.07.2025 1370

طِقْ أَمَّا عَطَاكُمْ لَسَوْوَهُ لَعَلَّ لِي لَصِيْبِي بِنِّبَا لَبَاعَ أَمْ هُوَ عُلَّ لِي لِي ضَرَّ رِيْرُهُ وَبَأَلَّ لِقَوِ
هُوَ ثَالِثُ لَأَهْوَرُ هُوَ كَرَّتْ هُوَ رَكَ نِإِوْ هُوَ كَأَهَاءَتْ شَانِإِ

Абу Ҳурайра розияллоху анху:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳеч қачон ҳеч бир таомни айбламадилар. Иштаҳалари тортса, ер эдилар. Кўнгиллари тусамаса, тек қўяр эдилар», деди».

Учовлари ривоят қилганлар.

Ҳар қандай ҳалол таом банда учун Аллоҳ таолонинг неъмати ҳисобланади. Ҳар қандай неъмат учун банда Аллоҳ таолога шукр қилиши лозим. Фақат нонкўр инсонгина шукр ўрнига таомни айблашга ўтади. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам доимо шукр қилувчи банда бўлганлар.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон ҳеч қандай таомни айбламадилар».

Ҳа, у зот умрларида бирор таомни айбламаганлар. Бу ҳақиқатни ўша воқеа устида туриб, кўрганлардан бири – улкан саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу дўсту душманнинг ҳузурида айтмоқдалар. Агар бу гапда заррача шубҳа бўлса, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга дарҳол эътироз билдирилиши турган гап эди.

«Иштаҳалари тортса, ер эдилар. Кўнгиллари тусамаса, тек қўяр эдилар».

Шунинг учун у зотнинг умматлари бўлмиш сиз билан биз, муслмонлар ўз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу борада ҳам ўрнак олмоғимиз лозим.

الْيَنِّي: لَأَقْمَلَنَّ وَسَوْفَ يَلْعَلُ لِي صَيِّبٌ لَنْ عُنَّ عُلُوجِي ضَرَّهَ فَيَحُجَّ بِي أَبَانَع
أَمْ لَسُمْ أَلْإِسْمَ الْهَؤُورَ. أَئَكْتُمُ لُكْآ

Абу Жухайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен суянган ҳолимда емайман», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Ушбу ҳадиси шарифда овқатланишнинг исломий маданиятидаги яна бир жиҳат ҳақида сўз кетмоқда. Овқатланиш инсоннинг соғлигига ва бошқа ҳолатларига бевосита таъсир қилиши ҳаммага маълум. Бунинг учун таом ҳалол-пок, озуқалик сифати яхши бўлиши билан бирга, уни тўғри тановул қилишда ҳам гап кўп. Ҳозирги кунимизда таомни тўғри тановул қилишга қаратилган китоблар ёзилаётгани, илмий ишлар олиб борилаётгани ва бу соҳада аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилаётгани бежиз эмас. Тараққий этган инсоният эндигина англашни бошлаётган бу ишни Ислом бундан ўн тўрт аср илгари йўлга қўйиб бўлган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифда марҳамат қилиб:

«Мен суянган ҳолимда емайман» деганлари «Суяниб, ёнбошлаб олиб таом еб бўлмайди», деганларидир. Аввало бу иш беодоблик, маданиятсизлик. Қолаверса, бир нарсага суяниб ёки ёнбошлаб ётган одамнинг таом юрадиган аъзолари – ичаклари, қорни ноқулай ҳолга келади. Бинобарин, у еган таомнинг ошқозонда қайта ишланиши, ҳазм

бўлиши қийинлашади. Оқибатда инсон соғлиғига зарар етади.

Ушбу ҳадиси шарифни билганимиздан кейин ҳеч қачон суянган ҳолда ёки ёнбошлаб ётиб овқат емаслигимиз керак. Бу ислоний одобни бошқаларга ҳам ўргатиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини ҳам зинҳор унутмаслигимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 16-жуз

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 июндаги 03-07/3903- рақамли хулосаси асосида тайёрланди.